
ФАРҒОНАДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА “НЕФТЧИ” ФУТБОЛЧИЛАРИ РОССИЯНИНГ “УРАЛ” ЖАМОАСИ БИЛАН ДУРАНГ ЎЙНАШДИ

Бугун Фарғонадаги “Истиқлол” ўйингоҳида “Нефтчи” футболчилари, Россия Премьер-лигаси вакили, Екатеринбургнинг “Урал” жамоасига қарши халқаро ўртоқлик учрашувида майдонга тушишди. Ўртоқлик учрашуви мақомига қарамасдан кескин курашларга бой ўтган ўйинда ҳисоб очилмади: 0-0

Учрашув олдидан “Урал” жамоаси бош мураббийи Виктор Гончаренкога ўзбекона удумларга мувофиқ тўн ва дўппи кийгизиб, белбоғ боғланди.

Бугунги учрашувда жамоамиз таркибига Эроннинг “Санат Нафт” клубидан келиб қўшилган тажрибали ярим ҳимоячи Шароф Муҳиддинов, шунингдек, жамоада кўриқдан ўтаётган 24 ёшли франциялик марказий ҳужумчи Ваҳиб Таҳра майдонга тушдилар. Келиб чиқиши жазоирлик бўлган Таҳра, Франциянинг “Red Star” клуби тарбияланувчиси ҳисобланади, ушбу жамоа сафида, шунингдек, Англиянинг қуйи лига клубларидан Tamworth ҳамда Тунис профессионал лигаси вакили Sidi Bouzid таркибида тўп сурган. Жазоир ўсмирлар терма жамоаси аъзоси бўлган.

13 июль куни вилоятимиз футболчилари, “Екатеринбург Арена”да бўлиб ўтадиган жавоб ўйини учун Свердловск вилоятига боришади.

Фарғона ва Свердловск вилоятлари бош жамоаларининг ўзаро ўртоқлик учрашувлари, Свердловск вилояти губернатори Евгений Куйвашев бошчилигидаги делегациянинг жорий йил апрель ойида Фарғона вилоятига ташрифи давомида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан ўтказилган музокараларда эришилган келишув доирасида ўтказилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-06 22:26:03